

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ОЛИБ КИРИШ ВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини соддалаштириш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб:

жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 2 000 (икки минг) АҚШ доллариға тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетишда ёзма равишда мажбурий декларация тақдим этиш тартиби;

тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетишлариға рухсатнома бериш бекор қилинсин.

2. Белгилансинки, жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиш эквивалентда 5 000 (беш минг) АҚШ доллариға тенг ёки ундан ошмайдиган сумма доирасида ҳеч қандай рухсатномаларсиз амалга оширилади.

Белгиланган суммадан ортиқча маблағни олиб чиқиб кетиш:

резидентлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсатномаси асосида;

норезидентлар томонидан – Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида тўлдирилган йўловчи божхона декларацияси асосида амалга оширилади, декларацияда нақд хорижий валюта суммаси олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий валюта суммасидан кам бўлмаган миқдорда кўрсатилади.

Норезидентлар – республикада белгиланган тартибда ташкил қилинган мусобақалар, танлов ва олимпиадаларнинг совриндорлари ёки қатнашчилари томонидан белгиланган суммадан ортиқча нақд хорижий валюта олиб чиқиб кетиладиганда нақд хорижий валюта олинганлигининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат улар томонидан ушбу нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетиш учун асос бўлади.

3. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига нақд хорижий валютани олиб кириш чекловларсиз амалга оширилади.

4. Жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 2 000 (икки минг) АҚШ доллариға ошадиған суммадаги нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш чоғида олиб кириладиган ёки олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий валютанингни жами суммаси ёзма равишда декларация қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, Ташқи ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ушбу Фармон қоидалари республика аҳолисига ва хорижий давлатларнинг фуқароларига ўз вақтида етказилиши юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармон қоидалари кенг ёритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б.Нурмуротов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.В.Тоҳирий зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 6 декабрь
ПФ-5276-сон.

*Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 8.12.2017 йилдаги 247 (6941)-сониде эълон қилинган ва Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) жойлаштирилган.

**Фармонга илова «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ХМҲС бўйича 2017 йилги молиявий ҳисоботни эълон қилишга тайёрланамиз

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси (ЎЗБАМА) Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси билан ҳамкорликда 2017 йилнинг 28 ноябридан 1 декабригача «Молиявий ҳисобот–2017: 2016–2017 йилларда ХМҲС ва ХАСдаги долзарб ўзгаришлар» мавзусида семинар ўтказди.

2-бетда



Ушбу
сонда:

Пенсионер учун
ФХШнинг хусусиятлари

Ишончномани
нотариусда тасдиқланг

Пенсияни ҳисоблаш учун
стаж қандай тасдиқланади?

3-6-БЕТЛАР

7-БЕТ

Ўз ҳисобидан таътил бериш:
иш берувчининг мажбурияти эмас, ҳуқуқи



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон аудити – 25 ёшда!

1992 йил 9 декабрда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти амалга оширилиши учун ҳуқуқий асослар яратилган эди. Бу кунни 25 йиллик тарихга эга бўлган аудитимизнинг «таваллуд кун»и деб ҳисоблаш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда 102 та аудиторлик ташкилоти ва 656 нафар аудитор фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ассоциацияси – ўша пайтда ягона ҳисобланган бухгалтерлар профессионал ташкилотини яратиш ташаббускорлари – Э.Хўжаев, Ю.Иткин, С.Ғуломов, В.Беганов, М.Тўлаҳўжаева ва бошқалар қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Қонун қабул қилинган, у Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциациясига (ЎЗР БАА) айлантирилди.

1992–2000 йиллар давомида ЎЗР БАА республика Молия вазирлиги билан ҳамкорликда аудиторларни сертификациядан ўтказди. Мамлакатимизнинг 9 та минтақасида филиаллар барпо этилганидан кейин ушбу профессионал жамоат ташкилоти Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси (ЎЗБАМА) деб номланиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЎЗБАМА миссияси – таълим дастурлари ва малака ошириш курсларини ўтказиш, консалтинг хизматлари кўрсатиш йўли билан бухгалтерлар ва аудиторлар ҳуқуқлари ҳимояланишида кўмаклашиш ва уларнинг манфаатларини илғари суриш. Буларнинг баридан мақсад – халқаро даражадаги Ассоциация аъзолари мақомига эришиш.

ЎЗБАМА 2000 йилдан эътиборан Бухгалтерлар халқаро федерацияси (БХФ – IFAC) уюшган аъзоси этиб тайинланиши билан унинг фаолияти миссиясига мувофиқлиги эътироф этилди.

Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари 2010 йилдан бошлаб 9 декабрь – «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган кунни Бухгалтер ва аудитор кун»и сифатида нишонлашга қарор қилганлар.

ЎЗБАМА жамоаси Ўзбекистон бухгалтерлари, аудиторлари ва молия-иқтисод соҳасида фаолият юритаётган барча ходимлариға Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги ишларида муваффақият тилайди!

ХМҲС бўйича 2017 йилги молиявий ҳисоботни эълон қилишга тайёрланамиз



Унда 200 нафардан зиёд акциядорлик жамиятлари бухгалтерлари, аудиторлар, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий-педагог таркиби ва талабалари иштирок этдилар.

Семинарда «KPMG Audit» МЧЖ АЖ, «Ernst & Young» МЧЖ, «Deloitte va Touche» МЧЖ ва «PwC» МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг етакчи мутахассислари маъруза қилдилар.

«KPMG Audit» МЧЖ АЖ бош директори Санжарбек Саидов аудиторлик фикри ифодаланиши юзасидан қайта кўриб чиқилган халқаро аудит стандартлари, ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботга, хусусан, ХАС 700, ХАС 260, ХАС 570, ХАС 705, ХАС 706, ХАС 720 га қўйилган янги талаблар, шунингдек ўзгартаришсиз қолган ХАС 701 билан уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида

семинар иштирокчиларини батафсил хабардор қилди.

ЎзБАМА Кенгаши раиси Миновар Тўлахўжаева «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририга мувофиқ 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»га ўзгартаришлар киритиш заруратини шарҳлаб берди.

«Ernst & Young» МЧЖ мутахассислари Маҳбуба Одилова ва Дилдора Рустамова молиявий дастаклар ҳисоби билан боғлиқ долзарб масалаларни ёритдилар. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича Кенгаш (ХМҲСК – IASB) 2014 йил июлда ХМҲС 9 «Молиявий дастаклар»нинг якуний версиясини чиқарди. ХМҲС 9 ХМҲС 39 ўрнини босади ва 2018 йил 1 январдан молиявий ҳисоботлар учун самарали бўлади. Илгарироқ қўлланишига ҳам йўл қўйилади.

Янги Стандарт мақсади – молиявий дастаклар ҳисоби юритилишини соддалаштириш ҳамда яқин йилларда жаҳонда юз берган молиявий инқирозлар мобайнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш. ХМҲС 9 билан ХМҲС 39 ўртасидаги асосий фарқлар ҳам айтиб ўтилди.

«Deloitte va Touche» МЧЖ мутахассислари Анвар Ҳожи-Аҳмедов ва Чингиз Бобоев ўз чиқишларида ХМҲСга ўтиш масалалари, жорий этиш ва янги қоидаларга мослашишдаги мураккабликлар ҳақида сўз юритдилар. Умуман олганда халқаро стандартлар бўйича ҳисобот тайёрлашнинг 2 та асосий усулини ажратиб кўрсатиш мумкин: конверсия (параллель ҳисоб юритиш усули) ва трансформация (БҲМС бўйича тайёрланган ҳисоботдаги ҳисоб ахборотларини қайта гуруҳлаш ва моддаларига тузатиш киритиш йўли

билан ҳисоботларни ХМҲСга мувофиқ тузиш жараёни).

«PwC» МЧЖ мутахассислари Шоҳрух Бўтаев ва Низомиддин Хўжабеков семинар иштирокчиларини ХМҲС (IFRS) 15 «Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум» ва ХБҲС (IAS) 18 «Тушум»ни амалда қўллаш хусусиятлари билан таништирдилар. Уларнинг маълум қилишича, ХМҲС (IFRS) 15 – янги стандарт бўлиб, 2018 йил 1 январдан қўлланиши мажбурий. ХМҲС (IAS) 18 «Тушум» ва ХМҲС (IAS) 11 «Қурилиш учун шартномалар» («Пудрат шартномалари») шу даврдан бошлаб амал қилмай қўяди. ХМҲС 15 харидор билан тузилган шартнома шартларидаги тушум ва пул оқимларининг хусусияти, миқдори, вақт бўйича тақсимланиши ва аниқланмаганлиги ҳақидаги, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун фойдали ахборотни акс эттиришда ташкилот қўллаши лозим бўлган принципларни белгилайди.

Ўз ахборотимиз.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Ҳисобланган сугурта бадаллари тўғрисидаги маълумот янги шаклда тақдим этилади

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2017 йил 29 ноябрда 2439-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан ҳар бир жисмоний шахс кесимида фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳисобланган сугурта бадаллари суммалари бўйича маълумот тақдим этиш шакли тасдиқланди.

Ҳозирги вақтда юқорида кўрсатилган маълумот ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари ҳисоб-китобига 4-иловага биноан шакл бўйича тақдим этилади

(05-варақ). Бироқ у Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 июлдаги 462-сон қарорига (3-банд) биноан тақдим этилиши лозим бўлган шахснинг лавозим мавқеи, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даврлари, меҳнат

*Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти 2-бети пастки қисмида ҳарфли-рақамли кетма-кетликда бўлади ва 14 сондан (29 дан 42 гача белгилар) ташкил топади.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

Сайёҳлик хизматларини онлайн бронлаган ва сотганга – ЯСТ камайтирилади

ҚҲТБТ порталида Солиқ кодексининг 356-моддаси иккинчи қисмига қўшимчалар киритишни кўзда тутувчи қонун лойиҳаси жойлаштирилди.

Таклиф этилаётган тузатишларга кўра, сайёҳлик фаолияти субъектлари учун ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солиш базаси сайёҳлик хизматларини онлайн бронлаш ва сотиш бўйича дастурий маҳсулотлар ҳамда ахборот тизимларини жорий этишга йўналтирилган маблағлар суммасига камаяди.

Лойиҳа Президентнинг 6.10.2017 йилдаги сайёҳликни қисқа ва ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини тўлиқ амалга ошириш ма-

салалари бўйича йиғилиши якунларига кўра ишлаб чиқилган. Ўзгартаришлар тахминан келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб амал қила бошлайди.

Олег Заманов, экспертими.

таътилдаги ва узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган даврлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олмайди.

Шу муносабат билан тасдиқланган шаклда кўрсатилган маълумотлар мавжуд. Ҳаммаси бўлиб унда 11 та устун мавжуд, уларда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

➤ жисмоний шахснинг Ф.И.О., лавозими (ХАЛИКК-2017 га мувофиқ), СТИР ҳамда шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)*;

➤ фуқароларнинг ҳисобланган сугурта бадаллари суммаси: олдинги ҳисобот даври охирига, ҳисобот даври учун (ўсиб боровчи якунсиз) ва ҳисобот даври охирига;

➤ сугурта бадаллари ҳисобланмаган даврлар (ҳодим узрли сабабларга кўра иш жойида бўлмаган тақдирда): даврнинг бошланиши ва охири ҳамда асос.

Янги шакл солиқ тўловчилар томонидан 2019 йилнинг 1 январига қадар ихтиёрий равишда тақдим этилади. 4-иловага биноан шакл (05-варақ) ўз кучини йўқотмайди, бинобарин, унинг солиқ ҳисоботи таркибига тақдим этилиши аввалгидек мажбурий саналади.

Қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 1.01.2018 йилдан кучга қиради.

Маълумот учун. Солиқ кодексининг 355-моддасига биноан ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум ЯСТ бўйича солиқ солинадиган база ҳисобланади. Қуйидагилар ЯСТ тўловчилари ҳисобланади:

➤ микрофирмалар ва кичик корхоналар, Солиқ кодексининг 350-моддаси 2-қисмида кўрсатилганлардан ташқари;

➤ ҳодимлар сонидан қатъи назар;

➤ савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

➤ юридик шахслар лотереялар ташкил этиш бўйича фаолият доирасида;

➤ шерк (иштирокчи) – оддий шеркат ишларини юритиш зиммасига юклатилган якка тартибдаги тадбиркор (ишончли вақил).

Лойиҳага ўзгартариш, қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

• УСТУВОРЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

• ТАБРИКЛАМИЗИ!

– Ўзбекистон аудити – 25 ёшда!
– ХМҲС бўйича 2017 йилги молиявий ҳисоботни эълон қилишга тайёрланамиз 1-2-бетлар

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 2-бет
• НОРМАТИВ ЛОЙИҲА
– Сайёҳлик хизматларини онлайн бронлаган ва сотганга – ЯСТ камайтирилади 2-бет
• ПЕНСИЯ ИШИ
– Қонунда назарда тутилган кафолатлар
– Ишловчи пенсионерлар пенсияси
– Прописка – талаб этилмайди
– Қонун ҳужжатларига мувофиқ

– Тугатувчиларга пенсия

– Бошқа имтиёз
– Иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тўғрисида
– Аллоҳида ҳолат
– Маҳалла қарор қабул қилади
– Ўзингизни текширинг
• КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Муддатидан аввал қақариб олинса
– Ишдан бўшатилш бекор қилинади

3-6-бетлар

– Қайта ташкил этишда таътил олиш ҳуқуқи
– Таътилдан кенчиб чиққан ишдан бўшатилиши мумкин

• АВТОНОРМА

– Йиғимлар – бюджетга
– Талаба рўлда ўтирса
– Ишончнома ва...
– 70 – ундан ортиқ эмас
– Кеч қолиш мумкин эмас
– Қутилган учрашувлар

8-бет

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзуйи сон*

Ушбу сонда фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича иш бажарувчи пенсионерлар билан муносабатлар қандай тартибга солиниши ҳақида билиб оласиз. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мутахассислари ўқувчиларнинг саволларига жавоб берадилар.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

8 декабрь – Ўзбекистон Конституцияси куни

Қонунда назарда тутилган кафолатлар



Тошкентда Ўзбекистон Пенсиялар уюшмаси съезди бўлиб ўтди. Йиғилганлар Уюшма бажараётган иш тўғрисидаги ҳисоботни тингладилар, шунингдек ташқир масалаларни кўриб чиқдилар.

Уюшма раиси Қ.Набиев қайд этганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар пенсионерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, фахрийлар ва улуг ёшдаги кишиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга йўналтирилган бўлиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолликларини оширишларини рағбатлантиради.

Пенсионерлар – Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва боқувчисини йўқотган кекса кишилар ҳақидаги ғамхўрлик амалда намоён бўлмоқда. Улар даволаниш ва саломатликларини тиклаш учун Тошкент ва вилоятлардаги санаторий-соғломлаштириш комплексларига йўлланмоқдалар. Кекса ёшдаги кишилар мунтазам тиббий

БУГУНГИ СОНДА:

ПРОПИСКА –
ТАЛАБ
ЭТИЛМАЙДИ
Бувисининг
пенсиясини ким
ола билади?

3

АЛОҲИДА ҲОЛАТ
Стаж, «ўзганинг»
пенсияси ва
ихтиёрий
суғурта
бадалларини
тасдиқлаш
тўғрисида

6

МАҲАЛЛА ҚАРОР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Болали
оилаларга
ижтимоий ёрдам

ЎЗИНГИЗНИ
ТЕКШИРИНГ

Тест саволлари
пенсияга оид

7

8

Маълумот учун!

2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб энг кам:

- > иш ҳақи – ойига 172 240 сўм;
- > ёшга доир пенсиялар – ойига 336 880 сўм;
- > болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 336 880 сўм;
- > зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 206 720 сўм миқдориди белгиланди.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

Мавзуйи сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

кўриқдан ўтказилмоқдалар, уларга моддий ва маънавий кўмак берилмоқда.

— Уюшмамиз аъзолари — ижтимоий ёрдамга муҳтож фахрийлар ва кекса ёшдаги кишиларга мунтазам ёрдам берилмоқда, — дейди Уюшма раисининг биринчи ўринбосари Х.Дўстмуродов. — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ушбу йўналишдаги иш миқёси янада кенгайди. Ҳомийлар кўмагида ижтимоий ёрдамга муҳтож кўлаб пенсионерлар учун коммунал хизматлар ҳақи тўланди. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Аслида, мамлакатимиз Конституциясининг 39-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, ҳар ким қариғанда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Бу ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам бериш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.



ЎЗА хабарига кўра.

Мутахассис тушунтиради

Ишловчи пенсионерлар пенсияси

Асосий пенсиясига минималини (*Низомнинг 159-банди 2-хатбошиси, ВМнинг 11.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова*) ҳам қўшиш имконини кўлга киритган кўлаб пенсионерлар меҳнат фаолиятига қайтдилар. Шу муносабат билан тахририятимизга фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича иш бажарадиган пенсионерлар билан муносабатлар қандай тартибга солиниши ҳақидаги саволлар келиб тушмоқда. Ўқувчиларнинг саволларига ЎЗР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия апаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев жавоб беради.

ВАЗИЯТ. Реструктуризация ва ишлар ҳажми камайганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бўйича ишловчи пенсионерни ишдан бўшатгач, ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан ошмайдиган ҳақ тўлаш шарти билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида иш бажариш учун уни яна ишга қабул қилдилар. Пенсия жамғармаси бўлимида пенсияни ишловчи пенсионер каби 50% миқдоридан олиши кераклигини айтдилар. Бироқ корхона бухгалтери иш жойи бўйича пенсия тўлиқ тўланиши керак деб ҳисоблайди.

— Афсуски, шунга ўхшаш вазиятлар ҳали учраб турибди. Тарафлар ўртасида тушунмовчиликлар юзага келмаслиги учун пенсионер билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани расмийлаштириш чоғида иш берувчи ёки пенсионернинг ўзи Пенсия жамғармаси бўлимига қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?

— Аввало пенсионер ишдан бўшагач, ПЖ бўлимига қуйидаги ҳужжатларни албатта тақдим этиши керак:

- меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси;
- билдиришномага меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси кўрсатилган хабарнома;
- меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;
- пенсия тўланган давр тўғрисидаги ахборот.

Пенсионер билан ФХШ тузганда ташкилот ФХШ нусхаси ва ташкилот тўғрисидаги барча зарур реквизитлари кўрсатилган маълумотларни тақдим этган ҳолда ПЖ бўлимини бу ҳақда хабардор қилиб қўйиши шарт.

— ФХШ бўйича муайян иш бажарувчи пенсионерни ишловчи пенсионерлар сирасига киритиш мумкинми?

— Ҳа, албатта. Зеро меҳнат шартномасини ёки предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномани тузган ҳолда иш ва (ёки) бошқа фаолиятни амалга оширувчи, бу даврда мажбурий давлат ижтимоий сугуртасини тўлаши лозим бўлган пенсионерлар ишловчи пенсионерлар деб ҳисобланади (*Солиқ кодексининг 172-моддаси*).

Шуни қайд этиб ўтаманки, барча ишловчи пенсионерларга, қандай шартнома (меҳнат ёки ФХШ) бўйича иш-

Маевуев сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

лашларидан қатъи назар, тўланиши лозим бўлган пенсия тўловлари иш жойидан фақат **нақд шаклда** берилади (2.02.2017 йилдаги ПҚ-2753-сон қарор).

– **Пенсионер билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома 1 ойга ҳам, бундан узоқроқ вақтга ҳам тузилиши мумкин. Тўлиқ пенсияни сақлаб қолишининг асосий шарти – ойлик ҳақ белгиланган минимумдан ошмаслиги лозим. Буни тўғри тушундимми?**

– Ҳа, тўғри. Бироқ, шуни назарда тутиш лозимки, бажарилаётган иш корхона штат бирлиги доирасида амалга оширилмаслиги керак. Штатдаги лавозимга ФХШни расмийлаштириш ҳолатлари



учраб туради. Чунончи, тиббиёт муассасаси санитаркаси лавозимига ФХШ расмийлаштирилган, аслида қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси расмийлаштирилади.

– **Пенсионерга ФХШ бўйича ишлаш даврида пенсия тўлиқ эмас, балки хато равишда 50% тўланган бўлса, олинмай қолган миқдорини оладими? Агар ололса, бундай тўловлар қандай амалга оширилади?**

– Ҳа, у пенсиянинг олинмай қолган суммасини олиши мумкин. Бу ҳолда корхонанинг Пенсия жамғармасидан кейинги ойга маблағлар олиш учун электрон талабномасига жорий пенсия билан бирга олинмай қолган сумма киритилиши лозим. Шунингдек Ф-25 билдиришномасига ўзгартиришлар киритилиши учун пенсияни расмийлаштирган Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилиш зарур.

Алла Ромашко.

Расмий жавоб

Прописка – талаб этилмайди



Вафот этган бувимнинг пенсиясини олиш ҳуқуқига эгаманми? У алоҳида яшарди, бироқ доим унга гамхўрлик қилганмиз, касал бўлганда қараганмиз. Эшитишимча, бундай ҳолларда фақат пенсионер билан пропискада бўлган қариндошларга пенсия тўланар экан.

К.М.

– Бувингиз вафотидан кейин ойлик пенсия олишини назарда тутаятган бўлсангиз, сиз бундай ҳуқуққа эга эмассиз. **Фақат пенсионер вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия суммаси, унинг вафотига ушбу ойнинг кунлари учун айрим оила аъзоларигагина тўланади.**

Бу ҳолда вафот этган бувингизнинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин. Вафот этиш муносабати билан олинмай қолган пенсия суммалари* мерос таркибига киритилмасдан боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиган шахслар доирасига тегишли оила аъзоларига тўланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 2, 19-моддалари). Ота-онаси, эри (хотини),

шунингдек пенсионер вафот этган кунда у билан бирга яшаган оила аъзолари, улар юқорида кўрсатилган шахслар доирасига кирмаган тақдирда ҳам ушбу суммаларни олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Вафот этган пенсионернинг оила аъзолари яшаш жойи бўйича **пропискиси талаб этилмайди**. Оила аъзоларининг пенсионер билан у вафот этган кунигача биргалликда яшаб турганлиги ҳолати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан олинган маълумотлар асосида белгиланади.

Кўрсатиб ўтилган сумма, унинг учун пенсионер вафот этгандан сўнг 60 кундан кечикмай мурожаат қилинган тақдирда тўланади (252-сон Низомнинг 175-банди).

*«Норма маслаҳатчи»нинг 19.09.2017 йилдаги 38 (635)-сонидagi «Пенсия иши» сонида олинмай қолган пенсияни тўлаш ҳолатлари тўғрисида янада батафсил сўз юритилган.

Маълумот учун!

Боқувчисини йўқотганлик муносабати билан пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган **ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР** фарзандликка олинганда уларнинг ушбу ҳуқуқлари **САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ**.

Маевуви сони мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ

? Қайнонам соғлиги туфайли ҳар доим ҳам бировнинг ёрдамисиз эшикни очолмайди. Пенсияни уйига олиб келиб берадилар. У стационарда ҳам кўп бўлади. Пенсия олишга ишончнома расмийлаштиришим мумкинми? Агар мумкин бўлса, у нотариус орқали расмийлаштирилиши керакми ёки эркин шаклда маҳалла кўмитасида тасдиқлатса бўладими?

Л.Софрина. Тошкент ш.

— Ҳа, ишончнома расмийлаштиришингиз мумкин. Бироқ у қонун ҳужжатларига мувофиқ **нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши керак**.

Агар илгари ишончнома берган шахс яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига бир йилда камида 1 марта келиб, пенсия олиш ҳуқуқини тасдиқлаши керак бўлган бўлса, ҳозир киритилган ўзгартиришларга мувофиқ (ВМнинг 27.06.2017 йилдаги 429-сон қарори) у ПЖнинг исталган бўлимига келиши мумкин. Пенсиянинг келиши имконияти мавжуд бўлмаганда (масалан, соғлиги туфайли, даволаш муассасаларида, шу жумладан

руҳий касаллар учун стационар даволанишда бўлганда), ПЖ бўлимлари ходимлари тайинланган пенсияга бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш учун пенсионер турган жойга чиқишлари мумкин.

Ишончнома пенсияни етказиб бериш (топшириш) юқланган ташкилотнинг бўлинмасида сақланади. Бунда ташкилот ишонч билдирилган шахс томонидан ишончнома тақдим этилган санадан бошлаб 10 кун муддатда ПЖнинг тегишли бўлимига ушбу ташкилот бўлинмасининг асосий муҳри ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланган ишончнома нусхасини юбориши шарт (252-сон Низомнинг 160-банди).



Тугатувчиларга пенсия

? Амаким — III гуруҳ ногирони, бироқ унга ногиронлик пенсиясини беришни рад этдилар. Шу қонунийми? **Замонов. Жиззах вилояти.**

— «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонунга (15-модда) кўра, **ногиронлик пенсиялари I ва II гуруҳ ногиронларига тайинланади**. Шу сабабли амакингизга пенсиянинг бу турини тайинлашни рад этганлар.

Бироқ у Чернобиль ҳалокати оқибатида III гуруҳ ногиронлигини олган бўлса, пенсия тўлалиши **назарда тутилган** (252-сон Низомнинг 163-банди).

Бошқа имтиёз

? Вилоятдаги ОИТСга қарши курашиш марказида ишлайман. Бундай марказларда ишловчиларнинг иш стажы икки барабар миқдорда ҳисоблаб чиқарилиши ҳақида яқинда газетада ўқиб қолдим. Шу тўғрими?

О.Нурланова.

— Афсуски, йўқ. Иш стажини икки ҳисса баробарида имтиёзли тарзда кўшиб ҳисоблаш ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар тоифасига моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вируси билан касалланган шахслар даволанадиган **юқумли касалликлар муассасаларида ишловчи ходимлар киради** («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддаси «г» банди).

Республика ОИТСга қарши курашиш маркази ва унинг минтақавий марказлари ҳамда иммунодефицит вируси

билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасалари алоҳида-алоҳида соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобланади.

ОИТСга қарши курашиш марказларида ишловчиларга кўрсатилган ишларда қишлоқ жойларда камида 25 йиллик ва шаҳарларда камида 30 йиллик махсус стаж бўлганда **умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш кўринишидаги бошқа имтиёз** берилади (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 3-сон Рўйхатнинг VIII қисми «б» банди).

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Бунни билган маъкул

Иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тўғрисида

Куйидаги нафақалар тайинланади:

- ёшга доир;
- ногиронлик бўйича (болаликдан ногиронлар бундан мустасно);
- боқувчисини йўқотганлик муносабати билан.

Нафақа тайинлашни сўраб уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб исталган вақтда, бирор муддат билан чекланмаган ҳолда мурожаат этиш мумкин.

Ёшга доир

Иш стажига эга бўлмаган ва ёшга доир пенсия тайинланиши учун етарли иш стажига эга бўлмаган:

- эркакларга – 65 ёшга тўлганда;
- аёлларга – 60 ёшга тўлганда тайинланади.

Иш стажига эга бўлмаганларга нафақа меҳнатга лаёқатли балогатга етган фарзандлари, қариндошлари ёки Оила кодексига мувофиқ уларни боқиб мажбуриятига эга бўлган бошқа шахслар бўлмаганда тайинланади.

Пенсия жамғармаси бўлими фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўтказган текширувда қариндошлари моддий жиҳатдан ночор аҳволдалиги далили аниқланса, ёшга доир нафақа тайинланиши мумкин.

! Ҳақ тўланадиган иш бажарадиган ёки бошқа даромад манбаига эга бўлганларга (алимент ёки стипендия олинишидан ташқари) ёшга доир

**НАФАҚА
ТАЙИНЛАНМАЙДИ.**

Ногиронлик бўйича

Ёшидан қатъи назар, иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронларига нафақа тайинланади ва тўланади.

Меҳнат фаолиятига лаёқатлилиги чекланганлиги даражасини аниқлаш учун (меҳнат лаёқати доимий ёки узоқ вақт йўқотилганда) тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) Пенсия жамғармаси бўлиmlарининг йўлланмаларига мувофиқ тиббий кўрикдан ўтказадилар.

! Ишловчи ёки бошқа туркичилик манбаларга эга бўлган (алимент ёки стипендия олинишидан ташқари) I ва II гуруҳ ногиронларига

**НАФАҚА
ТАЙИНЛАНМАЙДИ.**

Боқувчисини йўқотганлик муносабати билан

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсининг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари нафақа олиш ҳуқуқига эга.

Вафот этган шахсининг оила аъзоларига нафақа миқдори у олган ёки олишга ҳақли бўлган нафақага фоиз нисбатида белгиланади:

- а) оиланинг уч нафар ва ундан ортиқ меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – нафақанинг 100%и;
- б) оиланинг икки нафар меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – нафақанинг 75%и;

в) оиланинг бир нафар меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – нафақанинг 50%и.

! **НАФАҚАЛАР барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлганда МУРОЖААТ ҚИЛИНГАН КУНДАН тайинланади.**

Нафақалар ҳар ойда Пенсия жамғармаси бўлиmlари томонидан белгиланган муддатларда, бироқ жорий тўлов ойдан кечиктирмай тўланади. Улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома бўйича тўланиши мумкин.

Олувчига ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган нафақа пули уни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги 12 ойдан ошмаган давр учун бир йўла тўланади.

Нафақа олувчига берилиши керак бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган нафақа суммаси мерос таркибига киритилмайди ва ота-онаси, эри (хотини), шунингдек нафақа олувчи вафот этган кунда у билан бирга яшаган оила аъзоларига тўланади.

Нафақа:

- оила аъзолари сони (боқувчисини йўқотганлик муносабати билан);
- қонун ҳужжатларига мувофиқ нафақа миқдори ўзгарганда қайта ҳисобланади.

Бевосита мулоқот

Алоҳида ҳолат

Юқори турувчи ташкилотга тушунтириш беришни сўраб ёки шикоят билан муурожаат қилган ҳар бир киши аини унинг ҳолати алоҳида эътиборга молик деб ҳисоблайди. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармасининг пенсия ва нафақалар тайинлашини таҳлил ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Абдурашид Исмоилов билан айрим ана шундай ҳолатлар хусусида суҳбатлашамиз.

— Яқунлиани бораётган Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги муурожаатлар ва шикоятлар сон жиҳатидан аввалги йилларнинг худди шу давридагига қараганда фарқланадими?

— Фикримча, фарқланади. Йилнинг биринчи ярмида аҳолидан саволлар аиникса кўп келиб тушди. Бу бевосита шахсий қабулларга ҳам, ёзма шикоятларга ҳам тегишли. Шу ўринда айтиш жоизки, уларнинг ҳаммасида муайян масала кўтарилган деб ҳам бўлмайди. Бироқ ҳар битта муурожаатга жавоб бериш бурчимиз.

— Таҳририятимизга стажни тасдиқлаш юзасидан кўп савол келиб тушади. Бу масалалар амалиётда қандай ҳал этилмоқда? Ишлаб топилган стажни ўқотмасликнинг имкони борми? Одатда, иш даврлари иш ҳақи, сугурта бадаллари тўланганлиги ҳақидаги маълумотномалар ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқлаши керак, бироқ маълумотларни ҳар доим ҳам архивдан топиб бўлмайди.

— Афсуски, кўпгина кичик ва хусусий корхоналар, бошқа ташкилотлар турли сабабларга кўра (масъулиятсизлик, фавқулдда ҳолат) уларда ишлаган шахслар тўғрисидаги маълумотларни архивга топширмаганлар. Тегишинча, уларга пенсияни ҳисоблаб чиқариш чоғида архив ҳужжатлари билан тасдиқланмаган стажнинг бир қисми тушиб қолади. Бундай ҳолларда ариза билан судга муурожаат қилиш зарур (252-сон Низомнинг 56, 58, 74-бандлари). Стажнинг алоҳида даврларини Пенсия жамғармаси комиссияси ҳисобга қабул қилмаганлиги тўғрисидаги қарори бунга асос бўлади. Аксарият ҳолларда суд ижобий қарор чиқариб, стаж ҳисобга олинади.

Кўпчилик хорижда ишлаб, ушбу даврларда сугурта бадалларини тўламаганлиги учун ўз вақтида стаж йўқотган. Ҳозир ана шундай имконият берилди. 2016 йилдан бошлаб Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда сугурта бадаллари тўлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси кенгайтирилди. Улар чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахслар, солиқ агенти ҳисобланмаган иш берувчидан даромад олувчи ходимлар, шунингдек деҳқон ҳўжалиги аъзоларидир.

Низомда (ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорида 1-илова) белгиланган тартибга биноан сугурта бадаллари тўланади. Кетиш олдидан зарур ҳужжатларни расмийлаштириш учун яшаш жойидаги ПЖ бўлими ва ДСИга муурожаат қилишни тавсия этаман. Ана шунда ватанга қайтгандан кейин 3 ой давомида бадаллар — ишланган ҳар ой учун 1 ЭКИХ тўлаши мумкин бўлади.

Дарвоқе, якка тартибдаги тадбиркорлар сугурта бадалларини тўлаши масалалари юзасидан бизга муурожаатлар келиб тушган. Кишилар 1 ЭКИХдан ортиқ тўлаш мумкин эмас деган фикрда бўлганлар. Аксинча, тўлов суммаси чекланмайди. Пенсия миқдори Пенсия жамғармасига ушбу сугурта бадаллари ва иш стаж давомийлигига боғлиқ бўлади. Бадаллар қанча кўп бўлса, пенсия ҳам кўпаяверади.

— Стажни тасдиқлаш билан боғлиқ муаммолар пенсия ҳисоблаб чиқарилишида акс этмоқда. Ушбу мавзу юзасидан саволлар пенсионерлар энг кўп берадиган саволлар сирасига қирадими?

— Ҳа, албатта. «Бировнинг» пенсияси доим адолатсиз даражада юқоридек туюлади. Бир қолипга солиш мумкин бўлган шикоятлар кўп — «кўшимнинг пенсияси кўпроқ, ваҳоланки, стажимиз ҳам, маошимиз ҳам бир хил эди...».

Табиийки, пенсия ҳақидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилишга ҳақли эмасмиз. Шу сабабли фақат ариза берувчининг пенсия иши юзасидан тушунтириш берамиз.

Пенсия миқдорига нафақат стаж, иш ҳақи, балки ҳақ тўланмайдиган таътилларда бўлганлик, касаллик сабабли ишга чиқмаганлик ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, 2008 йилгача касаллик даврида сугурта бадаллари тўланмаган. Бу даврлар стажга қўшилмайди. Меҳнат дафтарча-



Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

сида бу ҳақдаги маълумотлар кўрсатилмайди. Шу сабабли меҳнат фаолиятининг барча ҳолатларини аниқлаш мақсадида тасдиқловчи маълумотномалар талаб этилади.

Пенсия миқдори тўғри ҳисобланганлигини яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимларида ҳам текшириш мумкин. Унинг ходимлари пенсиялар тайинлаш масалалари юзасидан тушунириш ва маълумотлар беришлари, шунингдек зарур ҳужжатларни олишда кўмаклашишлари шарт («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддаси 6-қисми).

Шуниси қизиқиш, кишилар саволлар, муаммолар билан

муурожаат қилибгина қолмай, балки ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир кўшимчаларни ҳам таклиф қиладилар. Уларнинг ҳар бири қонун чиқарувчилар эътиборига етказилади.

Масалан, нафақат меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар (Қонуннинг 42-моддаси), балки Қонуннинг 37-моддасидан келиб чиқилса, сўғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисидаги маълумотномалар ҳам стажни тасдиқловчи далил бўлиб хизмат қилиши керак.

Алла Ромашко.

Бизга мактуб йўллабсиз

Маҳалла қарор қабул қилади



Уйимизда кўп болали кам таъминланган оила яшайди. Фақат отаси доимий ишда ишлайди. Улар муайян ижтимоий нафақа олишга ҳақлими?

А.Егорова.

– Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи – посёлка, кишлоқ ва овул, шунингдек шаҳарларнинг маҳаллалари фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ёки бундай қарорларни қабул қилиш учун фуқаролар йиғини томонидан ваколат берилган комиссия томонидан қабул қилинади.

Қуйидагилар ушбу нафақа ва моддий ёрдам олишда устуниқ ҳуқуқига эга:

- ота-онасининг иккисини ҳам йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шугулланаётган оилалар;
- ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар;
- 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар);

➢ ногирон боласи (болалари) бўлган оилалар;

➢ болани (болаларни) тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган оналар (оталар). Бунда боланинг амалда тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланишини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи белгилайди;

➢ ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка кўмаклашиш марказларида ҳисобда турган оилалар;

➢ ёлғиз пенсионерлар.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа эса – 12 ойга тайинланади, бироқ бола 2 ёшга тўлган ойдан кейинги ойга ўтмаслиги керак (Низом, ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарорига 1-илова).

Маълумот учун!

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун **ИШ ҲАҚИГА** қонун ҳужжатларига мувофиқ **СУГУРТА БАДАЛЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИГАН** меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча **ДАРОМАДЛАР** киритилади.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

P.S.

Ўзингизни текширинг

Газетамизнинг қанчалик зийрак ўқувчиси эканлигингизни текшириб кўрадиган вақт келди. Мабодо ниманидир эслолмай қолсангиз, хижолат бўлманг. «Норма маслаҳатчи»ни очиб, билимларингизни такрорлаб олишга доимо имкон бор. Омад ёр бўлсин!



1. Болаликдан ногиронлик бўйича нафақани олиш учун қачондан мурожаат қилса бўлади?

- а Ногирон фарзанд тутилган заҳотиёқ.
- б Ногирон фарзанд 8 ёшга етган.
- в Ногирон фарзанд 3 ёшга етган.

2. Ишлайдиган пенсионерларга сугурта бадаллари қайтариб бериладими?

- а Ҳа, пенсия тайинлангандан кейин ишлайдиган ҳар бир пенсионернинг ШЖБПҲга зарур тўловлар ўтказиб берилади.
- б Сугурта бадаллари ундирилмайди.
- в Ишлайдиган пенсионерлар сугурта бадалларини қонун ҳужжатларига биноан тўлайдилар.

3. Пенсияни ҳисоблашда болалар парваришининг қайси даври стажга киритилади?

- а Ҳар бола 3 ёшга тўлгунга қадар уларни парваришлаш бўйича таътилда бўлган вақт.
- б Фақат бир боласи 3 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш бўйича таътилда бўлган вақт.
- в Бир боласи 3 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш бўйича таътилда бўлган вақт, лекин умумий ҳисобда 3 йилдан ошмаган давр.

4. Олинмаган пенсия қайси давр учун тўланади?

- а 6 ой учун.
- б 12 ойдан кўп булмаган давр учун.
- в 3 йил учун.

5. Ишлайдиган пенсионерга иш жойи бўйича пенсия тўлаш учун нима асос бўлади?

- а Меҳнат дафтарчасидаги ёзувдан нусха.
- б Пенсионернинг аризаси.
- в Ф-25 топшириқномаси.

6. Собиқ СССР ҳудудида эга бўлган меҳнат стажы қайси давр учун ҳисобга олинади?

- а Стаж 1993 йилнинг 13 мартигача ҳисобга олинади.
- б Меҳнат дафтарчаси ва архив маълумотномаларидаги ёзувлар билан тасдиқланган ҳар қандай стаж ҳисобга олинади.
- в Йўқ, ҳисобга олинмайди.

Тўғри жавоблар: 1а, 2в, 3в, 4б, 5в, 6а.

Натижалар

Ҳар бир
тўғри
жавоб
учун —
1 балл.

Сизнинг натижангиз:

6 балл — аъло даражали натижа. Сиз пенсия таъминоти масалаларини яхши тушунасиз.

3-5 баллар — кўп нарсани билар экансиз. Билимларингиз янада юқори бўлиши учун «Норма маслаҳатчи»ни ўқинг ва ҳуқуқ соҳасидаги янгиликлардан доимо бохабар бўлиб туринг.

1-2 баллар — афсус, сиз жуда кам билимга эгасиз. Эсдан чиқарманг, билим — куч демак. Куч-қувват айниқса пенсия ёшида сизга асқотиб қолади. «Норма маслаҳатчи» билан бирга бўлишга ҳаракат қилинг, шунда яхши натижани қўлга киритасиз.

Диққат! Ушбу саволларга батафсил жавоблар «Норма маслаҳатчи» газетасининг 15.08.2017 йилдаги 33 (630), 19.09.2017 йилдаги 38 (635) ва 17.10.2017 йилдаги 42 (639)-сонларида чоп этилган.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Муддатидан аввал чақириб олинса

Ташкилот ходими айни пайтда МКнинг 146-моддасига мувофиқ унга берилган таътилнинг қолган, бўлинмайдиган қисмидан (12 иш куни) фойдаланмоқда. Ишлаб чиқариш заруратида кўра ташкилот раҳбарияти МКнинг 147-моддасига мувофиқ ходимга таътилдан чақириб олинишини расмийлаштиришни таклиф қилди. Ходим бунга рози бўлди. Ходим қисмларга бўлинмайдиган таътилдан фойдаланаётган бўлса, уни чақириб олиш мумкинми?

с.п.

– Ходим розилик берган бўлса, мумкин. Мазкур ҳолда 146 ва 147-моддалар ўртасида зиддият юзага келмайди. Ходим таътилдан фойдалана бошлаган ва, тегишинча, иш берувчи унинг бир қисми – қамада 12 иш кунини бериш мажбуриятини бажарган.

Одатда, ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилади. Бунда таътилнинг бир қисми 12 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим (МКнинг 146-моддаси).

Шу тариқа, 15 иш кунлик стандарт таътил қуйидагича қисмларга бўлиниши мумкин: 12 иш куни (бир қисми) ва ходимнинг хоҳишига кўра қолган 3 иш кунини исталганча қисмларга бўлиш (иккинчи қисми).

Ушбу норма ходим учун ҳам, иш берувчи учун ҳам таътилни қисмларга бўлиш мажбуриятини назарда тутмайди.

Ишдан бўшатиш бекор қилинади

МЧЖда тижорат агенти лавозимида ишлайман. Ўз хоҳишимга кўра 2017 йил 30 ноябрдан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида иш берувчи номига ариза бердим.

Шароитим ўзгариб, ишдан бўшамасликка қарор қилганим сабабли 2017 йил 29 ноябрда аризамни қайтариб олмоқчи бўлдим.

Бироқ кадрлар бўлимида аризамни қайтаришдан бош тортди, 30 ноябрдан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисидаги буйруқ чиқарилгани, ўрнимга эса иштатлари қисқартирилмоқчи бўлган бошқа бўлимдан ходим ўтказилишини айтдилар.

Бу вазиятда ким ҳақли?

А.С.

– Иш берувчининг сизга нисбатан хатти-ҳаракатларида меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш аломатлари мавжуд.

Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати ту-гаунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, 2 ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир.

Бунда МКнинг 99-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ёки тарафларнинг келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим

берган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Бундай ҳолда ишдан бўшатиш амалга оширилмайди, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотди. Меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди, сабаби меҳнат муносабатлари давом этмоқда (МКнинг 99-моддаси).

Шу тариқа, кўриб чиқилаётган вазиятда ходим меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани қайтариб олиш ҳуқуқидан фойдаланган.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Шаҳар марказидаги нотураж жой офис учун ижарага топширилади, мебели билан. Т. (+998990) 956-44-35.

Иш берувчи ташкилот бошқа ташкилотга қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилаётган бўлса, ходимларга таътил қандай тартибда берилади? Қўшиб олинаётган ташкилот ходимларига фойдаланилмаган таътиллари учун компенсация тўлаш зарурми ёки қўшиб олинаётган ташкилотнинг таътиллари жадвалига биноан таътил бериш керакми?

Г.Л.

Қайта ташкил этишда таътил олиш ҳуқуқи

– Корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади (у ишни давом эттиришдан бош тортмаган бўлса).

Янги мулкдор корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 6-банди). Корхонанинг бошқа ходимлари билан эса, меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда бекор қилиниши мумкин (МКнинг 98-моддаси).

Шу тариқа, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ташкилот ходимлари билан меҳнат шартномалари бекор қилиниши учун асос бўла олмайди.

Қўшиб олишда бир юридик шахс бошқа юридик шахснинг таркибига қиради, тегишинча, у юридик шахс



сифатидаги фаолиятини тўхтатади. Бу юридик шахсга қўшилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатида мувофиқ ўтади (ФКнинг 49, 50-моддалари).

Ходимнинг йиллик ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқини берувчи стаж меҳнат шартномаси тузилган кундан у бекор қилинган пайтгача ҳисоблаб чиқарилади (МКнинг 142, 143-моддалари).

Бинобарин, меҳнат шартномаси бўйича бутун иш даври мобайнида ходимнинг йиллик ҳақ тўланадиган, унга берилиши керак бўлган барча таътил кунларидан фойдаланиш ҳуқуқи сақланади. Қайта ташкил этишгача тузилган таътиллари жадвали ўз кучида қолади, шу сабабли ходимлар унда белгиланган муддатда таътилга чиқишлари керак.

Таътилдан кечикиб чиққан ишдан бўшатилиши мумкин

Мен таътилда эдим, қайтиш учун чиптани вақтида ололмадим. Шу муносабат билан ишга кеч қолдим. Иш ҳақи сақланмайдиган таътил олиш мақсадида олдиндан телеграмма жўнатдим, бироқ рад жавоби олдим. Илтимосимни рад этишлари қонунийми?

А.В.

– Ҳа, қонуний, сабаби бу иш берувчининг ҳуқуқи.

Одатда, ходимнинг аризасига кўра (узрли сабаблари бўлса) унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у 12 ойлик давр мобайнида жами 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Айрим тоифадаги ходимларга иш берувчи уларнинг ёзма аризасига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериши шарт. Уларга қуйидагилар қиради:

➤ 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар, ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронлари, 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар (МКнинг 232-моддаси). Уларга ҳар йили 14 календарь кунга қадар берилади;

➤ 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёллар (МКнинг 234-моддаси).

Бундан ташқари, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин (МКнинг 150-моддаси).

Сизнинг ҳолатда иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш – иш берувчининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи.

Шу тариқа, ишга чиқмаган тақдирда иш берувчи ўз ташаббусига кўра сиз билан меҳнат муносабатларини бекор қилишга ҳақли.



БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ

Йиғимлар – бюджетга

Фирмамизнинг автотранспорти техник кўриқдан ўтказилиши керак.

Барча турдаги транспорт учун (фирмамизда фақат энгил автомобиллар мажбур эмас) бадал тўлаш зарурми?

А.Р., бухгалтер.

– Техник кўриқдан ўтказилганлик учун ЭКИХнинг 1/10 қисми миқдорида йиғим ундирилади. Бу мототранспорт, тиркамалар ва ярим тиркамаларга тааллуқли эмас – ушбу турдаги транспорт учун йиғим ЭКИХнинг 1/20 миқдорини ташкил этади.

Тижорат асосида йўловчилар ташиниш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам та-

шиниш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик ғабаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиниш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар иккинчи марта техник кўриқдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Биринчи (олдинги) техник кўриқда носоз деб топилган транспорт воситалари такрорий техник кўриқдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади.

Техник кўриқ ўтказилганлиги учун йиғимлар суммалари тегишли маҳаллий бюджетга ўтказилади (ВМнинг 31.01.2003 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5, 7-бандлари).

Талаба рулда ўтирса

Коллежда ўқийман. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олишим мумкинми?

Э.Нишонов.

– Ўқув муддати якунида:

- мототранспортни бошқаришни ўрганувчи 16 ёшга;
- энгил ва юк автомобилларини бошқаришни ўрганувчи 18 ёшга;

Маълумот учун!

Ҳар куни Тошкентда шаҳар жамоат транспорти хизматларидан деярли **1,3** млн киши фойдаланади. Бунда умумий масофаси **3,5** минг км бўлган йўналиш тармоғи бўйлаб кунига қарийб **25** минута рейс бажарилади.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ ЁДГА СОЛАМИЗ

Ишончнома ва...

«Бегона» автомобилни бошқариш учун қандай ҳужжатлар зарур?

– Ўзингизга тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқариш учун тегишли тоифадаги транспортни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига, унинг талонига ёки вақтинчалик рухсатномага эга бўлишингиз шарт, агар транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича шартнома ушбу автомобилдан чекланмаган шахсларнинг фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда тузилган ёки уни бошқараётган шахс сугурта полисида кўрсатилган бўлса (ЙҲҚнинг 8-банди, ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова).

70 – ундан ортиқ эмас

Йўлларда транспорт ҳаракатланиши чоғида тезлик режими фарқланадими?

– Ҳа, албатта. Аҳоли пунктларида тезлики соатига 70 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатланиш мумкин.

➢ трамвай, троллейбус, автобуслар ва микроавтобусларни бошқаришни ўрганувчи 21 ёшга тўлган шахсларга ҳудудий ЙҲХБ рўйхатдан ўтказиш-имтиҳон бўлимида (РИБ) ёки туманлараро РИБларида (ТРИБ) имтиҳонлар топширишга рухсат этилади.

Мудоффа вазирлиги томонидан «транспорт воситалари ҳайдовчилари» мутахассислиги бўйича ўқишга жалб этилган қақирлувчилар, 18 ёшга тўлмаган бўлсаларда, ҳудудий ЙҲХБ имтиҳонларига киритиладилар (Низомнинг 27, 56-бандлари, ВМнинг 2.08.2006 йилдаги 156-сон қарорига 1-илова).

Тўғри, йўл шароитлари юқори тезликда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлайдиган ҳолларда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, ДЙҲХХ билан келишилган ҳолда, тезлик режимини оширишга ваколатлидир. Бундай йўлларда тегишли йўл белгиларини ўрнатилади (ЙҲҚнинг 78-банди).

Аҳоли пунктларидан ташқарида:

➢ энгил автомобилларга ва рухсат этилган тўла вази 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобилларига тезлики соатига 100 километрдан оширмасдан;

➢ шаҳарлараро қатнайдиган автобусларга ва микроавтобусларга тезлики соатига 90 километрдан оширмасдан;

➢ бошқа автобуслар, тиркамали энгил автомобиллар, мотоцикллар, рухсат этилган тўла вази 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларига тезлики соатига 80 километрдан оширмасдан;

➢ тиркамали юк автомобилларига тезлики соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

Юқонасида одам ташиниш, шунингдек болалар гуруҳини ташкилий ташинишган автомобиллар ҳайдовчилари ҳар қандай йўлларда тезлики соатига 60 километрдан оширмасликлари керак.

Механик транспорт воситаларини шатакча олганлар учун рухсат этилган тезлик – соатига 50 километрдан ортиқ эмас.

Хавфли, оғир вазнли ва катта ўлчамли юкларни ташиниш, шунингдек ташкилий жамланмада ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ДЙҲХХ билан келишилган тезликдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади (ЙҲҚнинг 80-банди).

АКТ – АМАЛДА

Кеч қолиш – мумкин эмас



Пойтахт автобусларининг ҳаракатланишини энди «My Tashkent» мобил иловаси орқали кузатиш мумкин.

Илова «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ томонидан ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Уни юклар олган йўловчилар танланган йўналиш ҳақида деярли ҳамма нарсани – нафақат автобуснинг керакли бекатга келиш вақтини, балки унинг давлат рақами, автопарк рақами, ҳаракатланиш тезлиги ва бекатгача қолган масофани билиб олишлари мумкин. Шунингдек иловада керакли бекатда тушиш ёки ўз автобусини ўтказиб юбормаслик имконини берувчи хабарлаш тизими жорий этилган. Яратилган бекатлар каталоги танланган бекат орқали қайси маршрутлар ўтишини аниқлашда ёрдам беради. Қидирув функциясида фойдаланиб, фақат автобуснинг давлат рақамини билган ёки қидирув сатрида бекат номини ёзган ҳолда уни топиш мумкин. Бундан ташқари, «Жойлашган жойи» тугмаси йўловчига энг яқин бекатларни кўриш имконини беради, тез кириш учун эса маршрутларни танланганлар рўйхатига қўшиб қўйиш мумкин. Иловани уяли алоқа телефонида «GooglePlay» орқали юклар олиш мумкин.

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ (tshtx.uz) хабарига кўра.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Кутилмаган қурашувлар

Финляндияда бугулар йўллардан чиқиб қўлишини кузатиш ва жониворлар билан тўқнашувнинг олдини олиш имконини берувчи мобил илова ишлаб чиқилди.

«Porokello» («Бугу кўнгиракчаси») иловаси Лапландия иқтисодий ривожланиш, транспорт ва атроф муҳит маркази ҳамда «Paikkatieto Online Oy» компанияси томонидан яратилди. 1,8 мингдан ортиқ юк машиналари ва таксиларнинг профессионал ҳайдовчилари иловани ахборот билан таъминлаб турадилар.

Улар йўлда бугунги учратсалар, суткасида 50 тадан 1 минг мартагача геолокацияли сигнални иловага узатадилар. Бу ахборот қолган фойдаланувчиларнинг смартфонларига келиб тушади. Нашрнинг қайд этишича, жониворлар яқинда кўзга тушган участкага автомобиль яқинлашганда илова орқали Рудольф лақабли бугунинг кўнгиракчаси овози янграйди.

Илова яратувчиларнинг ҳисобига кўра, у қарийб 30 минг марта ўрнатиб олинган, юклар олиш даври аниқ кўрсатилмаяпти. Иловадан автомобиль навигация тизимлари орқали, бироқ фақат Финляндия ҳудудида фойдаланиш мумкин. Истиқболда уни Швеция ва шиммолги Норвегия ҳудудида тарқатиш масаласи ҳал этилади.

Манба: Интерфакс.

Мавзуйий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Иқтисодий ҳуқуқий газетаси
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
**Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ**

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия

Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
**Наталья
БАРАНОВА**

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Мировод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz
gazeta@norma.uz
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида термиди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Кўраш билими – А3. Ҳавая – 2 босма тибик. Басоси келтирилган нархда.
Буғуртага т-1292. Адади 1 070. Газета 2017 йил 12 декабрь соат 14.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва хабар қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АКТ бўйича – 200-00-90;

Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.